

Бақара сураси, 209-оят

16:20 / 16.02.2018 3825

Агар очиқ-ойдин ҳужжатлар келганидан кейин ҳам тойилсангиз, билингни, албатта, Аллоҳ ўта иззатлидир, ўта ҳикматлидир. Бақара 209.

Шунчалик тушунтиришлар, ҳужжат, далиллар келганидан кейин ҳам Исломга тўлиғича кирмасдан, йўлдан тойиб, бошқа ёққа кириб кетсангиз, билиб қўйингни, Аллоҳ Ўзининг азиз (яъни қувватли, қудратли ва ғолиб) сифати ила сизни азобига олса, ҳолингиз чатоқ бўлади. Аллоҳ ҳикматлидир. Борлиқни ҳикмат билан яратган. Ўзи яратган борлиқда Ўзи яратган инсон бахтли яшаши учун йўл кўрсатувчи таълимотларни ҳам ҳикмат билан Ўзи нозил қилган. Бандаларини Исломга тўлиғича киришга амр қилиши ҳам айна ҳикмат.